

“HAMKORBANK” АТБ банк карталарини фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида оммавий оферта

Мазкур шартнома жисмоний шахсларга ажратиладиган (эмиссия) Банк карталарини бериш ва уларга хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига олади (матнда – Шартнома). Мижоз мазкур шартномада назарда тутилган амалларни бажариш йўли билан қуйидаги шартларни тўлиқ хажмда қабул қилганлигини аниглайди.

Қуйида баён қилинган шартлар барча жисмоний шахсларга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 358, 367, 369 ва 370 моддаларига мувофиқ “Hamkorbank” АТБнинг Шартнома тузиш тўғрисида расмий оммавий таклифи ҳисобланади.

Шартномада назарда тутилган амалларни(ҳаракатларни) Жисмоний шахс томонидан бажариш чоғидан бошлаб кучга кирган ҳисобланади ва тўлиқ хажмда тарафлар мажбуриятларини бажаргунига қадар амалда бўлади.

1. Асосий тушунчалар

1.1. Авторизация - карта билан операцияларни бажаришда товар ва хизматларга тўловни амалга ошириш учун банк карта фойдаланувчиси ҳуқуқининг тасдиқланиши. Авторизация овозли (телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда) ва автоматлашган (электрон қурилмадан фойдаланган ҳолда) авторизацияларга бўлинади.

1.2. Банк картаси (БК) - банк тарафидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи амалдаги «миллий валюта» - сўмдаги тўлов картасидир.

1.3. Банк иш кўни - Ўзбекистон Республикасидаги банклар банк операцияларини ўтказиш учун очик бўлган кун.

1.4. Картанинг бекор қилиниши - карта кучини йўқотган деб тан олинади.

1.5. Кобейджинг (Бирлаштирилган) банк картаси – икки ва ундан ортиқ тўлов тизимларига бирлашган, Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлатлар банклари (эмитентлари) томонидан эмиссия қилинган ва ҳар хил тўлов тизимлари инфратузилмаларида фойдаланиш учун мўлжалланган банк картасидир. фойдаланувчиси БК фойдаланувчиси банкдаги ҳисоб рақами бўйича амалга ошириш мумкин бўлган операцияларнинг турлари БК фойдаланувчиси фойдаланувчиси ва эмитент ўртасида тузилган шартномага асосан ўрнатилади.

1.6. Эмиссия - Банк карталарини фойдаланувчига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали муомалага чиқариш.

1.7. Эмитент банк - бу БК эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, ўз номидан уларнинг сақловчилари ва эквайерлар олдида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида мажбуриятларни зиммасига олган, шунингдек БК сақловчиларининг тўлов операциялари бўйича авторизациялаш, транзакцияларни йиғиш ва уларга ишлов бериш функцияларини амалга оширувчи банк.

1.8. Эквайер - БК орқали амалга оширилган операциялар бўйича товарлар (ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) сотувчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, шунингдек БК сақловчисига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк.

1.9. Банк картаси фойдаланувчиси (ёки Мижоз) - аризасига асосан карта ҳисобварағи очган, БК бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳамда БК ва

карта ҳисобварағини ёпиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс. БК банк тарафидан БК фойдаланувчиси вақтинчалик фойдаланиш учун берилади ва банкнинг мулки ҳисобланади.

1.10. **Карта ҳисобварағи (КХ)** - БК орқали пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи.

1.11. **Сақловчиси** – Банк томонидан эмиссия қилинган ҳамда фойдаланувчига мазкур шартнома асосида топширилган БКни, фойдаланувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда ва усулларда фойдаланишга бериш учун ваколат берилган шахс.

1.12. **ПИН-код** - БК фойдаланувчиси шахсий идентификацион рақами бўлиб, у КХдаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга БК фойдаланувчиси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди.

1.13. **Стоп-лист** - блокланган ёки банк тарафидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилган ёки бутунлай тўхтатилган банк карталари рўйхати.

1.14. **Транзакция** - БК сақловчиси тарафидан амалга ошириладиган, унинг банкдаги ҳисобварағи дебетланишига олиб келадиган ҳар қандай операциялар.

1.15. **Тўловларни қайтариш** - банк тарафидан белгиланган шаклда БК фойдаланувчисининг КХни кредитлаш учун транзакциялар борасида тарафидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиши маъносини билдиради.

1.16. **Тўлов тизими** – эмитент банклар, БК ларига хизмат кўрсатувчи банклар, эквайер ва процессинг ташкилотларини ягона тизимга бирлаштирувчи нақд пулсиз тўловларни электрон шаклда амалга ошириш учун мўлжалланган, ҳуқуқий меъёрлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар, шунингдек, тегишли ташкилий-техник инфратузилма мажмуига асосланган ва асосий унсури банк картаси ҳисобланган ҳудудий тарқоқ тўлов тизими.

1.17. **Процессинг ташкилоти** — тўлов ташкилоти аъзолари ўртасида ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш, шунингдек, тўлов ташкилоти аъзолари томонидан -амалга ошириладиган эмиссия ва (ёки) эквайрингга техник хизмат кўрсатишни таъминловчи юридик шахс. Ягона умумреспублика процессинг маркази, Миллий банклараро процессинг маркази ва бошқа халқаро процессинг марказлари.

1.18. **Тўлов ташкилоти аъзоси** — тегишли тўлов ташкилоти билан шартномага асосан банк картаси эмиссияси ва (ёки) эквайрингини амалга оширувчи банк.

1.19. **Асосий карта** – БК фойдаланувчиси томонидан аризада асосий карта деб белгиланган ва шартнома доирасида БК фойдаланувчиси (ҳисобрақам фойдаланувчиси) номига чиқарилган карта.

1.20. **Кўшимча карта** –КХдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи БК фойдаланувчиси аризада кўрсатилган бошқа шахс номига ёки ўзининг номига чиқарилган БК.

1.21. **Карта маълумотлари** – Картада кўрсатилган маълумотлар: карта рақами, амал қилиш муддати, БК фойдаланувчиси Сақловчининг исми ва фамилияси (лотинча харфлар билан ёзилган), CVN (CVV/CVC) коди.

1.22. **CVN (CVV/CVC) код** — банк картасининг махфий рақами бўлиб, интернет орқали тўловларни амалга оширишда ишлатилади.

1.23. **Кўчирма** – БК ҳисобрақами бўйича Банк томонидан БК фойдаланувчисининг сўровига кўра шакллантириладиган кўчирма.

1.24. **Қоидалар** – Тўлов тизимлари томонидан ўрнатилган Қоидалар.

1.25. **Ссуда ҳисобварағи** – кредит операцияларини амалга ошириш учун БК фойдаланувчисининг номига очилган ҳисобварақ.

1.26. **Гаров депозити** – БКда мавжуд маблағдан ортиқча миқдорда фойдаланилган маблағни қоплаш учун ва КХ ёпилгандан сўнг 1 (бир) ой мобайнида БК

фойдаланувчисига қайтариладиган, банк тарифида кўрсатилган пул маблағи миқдори.

1.27. **Ссуда ҳисобварағи** – кредит операцияларини амалга ошириш учун БК фойдаланувчисининг номига очилган ҳисобварақ.

1.28. Ушбу шартномада БК ёки «Карта ҳисобварағи» сўзлари қўлланганда, улар БК фойдаланувчисининг КХ бўйича берилган барча БКлар учун қўлланади.

1.29. **«SMS хизмати»** - карта ҳисобварағидаги ўзгаришлар бўйича мижознинг мобил телефонига юбориладиган хабарлар хизмати.

1.30. **«Банк тарифи»** - БК бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифи (www.hamkorbank.uz).

1.31. **Филиал** – Банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган таркибий тузилмалар, шу жумладан банк хизматлари марказлари/банк хизматлари офислари/ Бошқармалар/Бўлинмалар.

2. Шартноманинг предмети (Умумий қоидалар)

2.1. Мазкур шартнома Банк тарафидан БК орқали ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан Банк билан БК фойдаланувчиси ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.2. Банк БК фойдаланувчиси вақтинча фойдаланишга беради ва банк картаси ёрдамида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатади.

2.3. БК фойдаланувчиси банк хизматларини ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ тўлайди.

3. Шартнома шартлари

3.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўзларининг юридик манзили, (доимий рўйхатдан ўтган манзили), исми, шарифи, фамилияси ва уяли алоқа рақами(лари), паспорт маълумотлари (тарафларнинг реквизитлари) шартноманинг муҳим шarti деб белгилаб олишдилар.

3.2. Банк БК эмиссиясини жисмоний шахслар мазкур шартномани тўлиқ ҳажмда қабул қилиш тўғрисидаги аризага асосан амалга оширади.

3.3. БК шартнома тузилган пайтдан бошлаб 3 (Уч) иш куни мобайнида, ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ Банк тарифида кўзда тутилган суммалар тўланиши шarti билан эмиссия қилинади.

3.4. БК фойдаланувчиси мазкур шартномани тўлиқ ҳажмда қабул қилиш тўғрисидаги аризани тегишли филиалга тақдим қилиши билан зарур ҳолларда ссуда ҳисобрақамини очишга розилигини билдирган ҳисобланади.

3.5. КХ бўйича маълум даврга оид кўчирма, фақат БК фойдаланувчисининг аризасига биноан тақдим қилинади.

3.6. БК Тўлов тизими томонидан ўрнатилган, лекин виртуал карталар 1 (бир) йилдан ошмаган муддатга, халқаро Visa ва Union pay тизимидаги карталар 3 (уч) йилдан ошмаган муддатга, Uzcard ва Humo тизимидаги карталар эса 5 (беш) йилдан ошмаган муддатга берилади.

3.7. БКни олиш учун банкда миллий сўм ёки хорижий валюта (АҚШ доллари ёки Евро) да КХни очиш лозим.

3.8. КХни блоккланиши КХ бўйича операция ўтказилишини тўхтатишга олиб келади ҳамда ушбу КХ бўйича очилган барча БКлардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқ қилади.

3.9. Блокланган БК бўйича операция ўтказилишини тўхтатиш ушбу КХ бўйича очилган бошқа БКлардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқ қилмайди.

3.10. КХнинг ёпилиши ушбу КХ бўйича очилган барча БК ларнинг ёпилишига олиб келади.

3.11. БК фойдаланувчиси ушбу шартнома шартларига мувофиқ Банк олдидаги мажбуриятлари юзасидан, шунингдек Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда БК фойдаланувчиси номига расмийлаштирилган барча КХлар орқали пул маблағларини ечиб олишга розилигини билдиради. Банк томонидан БК ва КХ ёпиш тўғрисида ариза қабул қилингандан сўнг банк тўлов топшириқномаси бўйича келиб тушган пул маблағларини карта ҳисобрақамига кирим қилмайди. Бундай тўловлар банк томонидан тўловчининг маълумотлари бўйича қайтарилади.

3.12. Эмиссия қилинган БКни мижоз банк офисига ташриф буюрган ҳолда ёки курьер орқали етказиб берилишини танлаш ҳуқуқига эга.

3.13. БК эмиссия қилинган санадан бошлаб БК фойдаланувчиси томонидан банкдан 3 (ой) мобайнида олиб кетилмаган тақдирда, БК йўқ қилинади ва банк тарифи асосида олинган устама ҳақи БК фойдаланувчисига қайтарилмайди.

3.14. БКни қайта чиқариш БК фойдаланувчисининг аризаси асосида БК фойдаланувчиси томонидан банкдан олиб кетилмаган БКнинг муддати тугагунга қадар банк томонидан янги муддатга қайта чиқарилиши мумкин.

3.15. БК фойдаланувчиси томонидан банкдан олиб кетилмаган БКнинг ишлаш муддати тугаганда янги муддатга БК қайта чиқарилмайди.

3.16. БК фойдаланувчисининг номига қўшимча БК унинг аризаси асосида асосий БК билан бирга ёки асосий БК чиқарилганидан сўнг чиқарилиши мумкин.

3.17. БКнинг муддати тугамасдан туриб БКни қайта чиқариш учун зарурият туғилганда БКни қайта чиқариш учун банкка ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

3.18. БК янги ишлатиш муддати билан чиқарилади ва ушбу БК муддати БК чиқарилган ойдан бошланади.

3.19. БКни йўқотиш/синдириш, БК нинг механик шикастланиши, БК фойдаланувчисининг БКда кўрсатилган фамилияси ва/ёки исми ўзгариши ва муддати тугагунча бошқа сабабларга кўра БКнинг қайта чиқарилиши БК фойдаланувчисининг аризаси асосида Банк тарифларида кўрсатилган тегишли устама ҳақи олиниши шарти билан амалга оширилади.

3.20. Гаров депозити банк тарифига асосан КХга кирим қилинган биринчи маблағдан ушлаб қолинади. Гаров депозити учун биринчи кирим қилинган пул маблағи етмаган тақдирда кейинги кирим қилинган пул маблағидан ушлаб қолинади.

3.21. Шартнома шартларига мувофиқ, КХга кирим қилинган пул маблағларидан ҳақ олиниши мумкин.

3.22. БК фойдаланувчиси БКни йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги факти аниқланишига дарҳол бу ҳақда Банкка 0 800 1 200 200 ёки 1256 (Ўзбекистон бўйлаб пуллик) қисқа рақамли телефон орқали боғланиб хабар беради ва ўзининг шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт/ID карта, ёки кодли сўзни тақдим этиш) орқали тегишли маълумотларни тақдим қилади. Бунда БК йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома олинганидан кейин Банк дарҳол БКни блокировка қилади.

БК фойдаланувчиси БКни йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги факти аниқланишига мустақил равишда “Hamkormobile” иловаси орқали ҳам БКни Блокировка қилиши мумкин.

3.23. БК фойдаланувчиси тўлов хизматлари ҳақидаги ахборотни ҳамда музкур шартнома юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган масалалар юзасидан туну кун мобайнида 0 800 1 200 200 ёки 1256 (Ўзбекистон бўйлаб пуллик) рақам орқали олиши мумкин.

3.24. БК фойдаланувчиси мазкур шартномани тўлиқ ҳажмда қабул қилиш тўғрисидаги аризада кўрсатиб ўтган телефон рақами орқали Банк билан алоқа боғлаш воситаси сифатида келишиб олганлигини аниглади.

3.25. БК фойдаланувчиси БКга тегишли бўлган реквизитларни, шу жумладан 16 рақамдан иборат бўлган Карта рақами амал қилиш муддати (халқаро тўлов

тизимларига ҳос бўлган CVN (CVV/CVC) кодлар) электрон тўлов тизимлари орқали БК фойдаланувчиси кўрсатган алоқа воситасига юборилган махфий тасдиқлаш кодини (шу жумладан ҳар қандай учинчи шахслар томонидан БК фойдаланувчисининг алоқа қурулмасига келиб тушган тасдиқлаш кодлари) ҳеч кимга ошкор қилмаслиги ҳамда алоқа қурулмаси учинчи шахсларга топширганида БКдан фойдаланиш ҳукукини берувчи мобил иловаларни махфий код билан ҳимоялаш чораларини кўриши зарур.

3.26. БК юзасидан амалга ошириладиган тўловлар уч иш кунидан йигирма беш иш кунига қадар бўлган муддат ичида тўлов тизимларида амалга оширилади (Clearing)

3.27. БК фойдаланувчиси мазкур шартномани тўлиқ ҳажмда қабул қилиш тўғрисидаги аризани Банкка тақдим қилиш билан бирга Банк томонидан тарифларга ўзгартириш киритиб борилишига розилигини билдиради.

4. Тарафларнинг мажбуриятлари

4.1. БК фойдаланувчиси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.1.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ БКдан фойдаланиш.

4.1.2. БК ПИН-кодини белгилаш, алмаштириш ва уни ҳеч кимга маълум қилмаслик.

4.1.3. Агар ПИН-код уч марта нотўғри киритилган бўлса, БК фойдаланувчиси дарҳол эмитентга ариза билан мурожаат қилиши ва ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этиш.

4.1.4. Мазкур шартнома ўз кучини йўқотгандан кейин БКни ҳеч қандай шартларсиз банкка қайтариш.

4.1.5. Банк хизмат ҳақларини белгиланган тарифлар доирасида тўлаш.

4.1.6. Эмитент банк ҳамда тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида БКда ортиқча маблағлар ҳосил бўлиб қолса, ушбу маблағларни эмитент банкка қайтариш.

4.1.7. Шартноманинг мажбурий шартларига риоя қилиш:

а) уяли алоқа рақами ўзгарган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Банкка ёзма хабар бериш;

б) турар жойи ва/ёки паспорт маълумотлари, исми шарифи фамилияси ўзгарганда, шунингдек карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, дарҳол Банкка ёзма/ёки электрон хабар бериш.

4.1.8. ПИН-кодли конвертнинг берилишида, БК фойдаланувчиси ПИН-кодли конвертга ташқи шикаст етказилмаганлигини текшириш.

4.1.9. БК фойдаланувчиси қўшимча БК Сақловчисини ушбу шартнома шартлари ва банк тарифи билан таништириш.

4.1.10. Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг сўровига асосан лозим даражада текшириш ва операцияга доир тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш

4.1.11. Ҳаракатсиз омонатлар бўйича операцияларни амалга ошириш омонатчи томонидан тўлиқ ёки қисман талаб қилинганда, банк раҳбари номига ҳаракатсиз омонат ҳисобварағини тиклаш бўйича ёзма ариза тақдим қилади. Ҳаракатсиз омонат ҳисобварағи бўйича барча операциялар омонатчи ёки унинг қонуний вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати текширилган ҳолда аризасига асосан амалга оширилади.

4.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- 4.2.1. БК фойдаланувчисининг КХни БК бўйича амалга оширилган барча транзакциялари бўйича тегишли бухгалтерия амалиётларини амалга оширади..
- 4.2.2. Тегисли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан бир банк иш куни ичида БК фойдаланувчисининг фойдасига тушган пул маблағларини КХга кирим қилиш.
- 4.2.3. БК фойдаланувчисининг КХдан транзакциялар бўйича бир иш куни мобайнида тўловларни олиш ва ҳисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш.
- 4.2.4. БК фойдаланувчисидан БК йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма/ёки оғзаки мурожаат олинган тақдирда, БКдан фойдаланган ҳолда операцияларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш.
- 4.2.5. БК фойдаланувчисига БКга хизмат кўрсатиш бўйича ундириладиган воситачилик ҳақининг миқдори уни ундириш тартиби тўғрисида хабардор қилиш.
- 4.2.6. Банк БК фойдаланувчисининг телефон рақамига тарифларга ўзгартириш киритиш кучга киришидан камида ўн кун олдин, хабарнома юбориш ҳамда ўзгартиришларни банкнинг «www.hamkorbank.uz» сайтига киритиб бориш.
- 4.2.7. Банк томонидан БК бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда БК бўйича амалиётлар тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади. Хабарнома банк картаси фойдаланувчисининг уяли алоқа рақамига юборилади. (СМС тарзидами ёки Push тарзидами, ҳозирги кунда амалда бўляптими?)

5. Тарафларнинг ҳуқуқлари

5.1. БК фойдаланувчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.1.1. Карта ҳисобварағида мавжуд қолдиқни тўлдириб бориш.
- 5.1.2. Банкдан шартнома шартларини бажарилишини талаб қилиш.
- 5.1.3. Банкдан карта ҳисобварағидан кўчирмани олиш. Кўчирмада карта ҳисобварағи орқали амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.
- 5.1.4. Мазкур шартноманинг қоидаларида кўзда тутилган тартибда Банкка картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ва блокдан чиқариш тўғрисида ёзма /ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш.
- 5.1.5. Банкни ёзма ёки электрон тарзда 10 кун олдин хабардор қилган ҳолда мазкур шартномани бекор қилиш.

5.2. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.2.1. БК фойдаланувчиси БК учун хизмат ҳақини ихтиёрий тўламаган тақдирда, карта ҳисобварағидаги қолдиқ суммасидан чегириб қолиш.
- 5.2.2. БК га кўрсатиладиган хизмат учун банк хизматлари тарифларини ишлаб чиқиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бу ҳақдаги маълумотларни «www.hamkorbank.uz» интернет сайти орқали эълон қилиш.
- 5.2.3. Мижознинг БК орқали нақд пул олишида белгиланган тариф асосида хизмат ҳақи олиш.
- 5.2.4. Мижознинг карта ҳисобварағидан нақд пулсиз ўтказмалар, шу жумладан бошқа банк филиалидан ва/ёки филиалга маблағ ўтказилганда, қўшимча хизмат турларидан фойдаланганда белгиланган тариф асосида хизмат ҳақи олиш.
- 5.2.5. Мижознинг карта ҳисобварағини тўлдиришда (нақд пулда, иш ҳақи ҳисобидан, омонат ҳисобварағидан, дивиденд, суғурта, ижара ва бошқа маблағлар ҳисобидан) белгиланган банк тарифлари асосида хизмат ҳақи олиш.
- 5.2.6. Мижоздан банк тарифи бўйича ойлик тўловлар олиш.

5.2.7. БК фойдаланувчиси тарафидан шартнома шартлари бузилганда ҳамда БК фойдаланувчиси ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, БКнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш.

5.2.8. Мижоз тарафидан БК йўқотилган, шикастланган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилганда, шунингдек амал қилиш муддати тугаганда алмаштириб берилаётганда белгиланган тарифга асосан хизмат ҳақи олиш.

5.2.9. Эмитент банк ҳамда тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида БКда ортиқча маблағлар ҳосил бўлиб қолса, ушбу маблағларни БК ҳисобварағидан (БК дан) ушлаб қолиш.

5.2.10. Агар БК Фойдаланувчисининг/Сақловчисининг шахси гумон туғдирса ёки БКдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар қонунчиликка зид бўлса ёки шахсни идентификациялашни талаб этса хизмат кўрсатишни рад этиш.

5.2.11. БКдан ушбу шартнома шартларига зид равишда фойдаланилганда карта ҳисобварағини ёпиб қўйиш (БК ни блоклаш).

5.2.12. БК фойдаланувчиси ариза берилган кундан эътиборан 3 (Уч) календарь ой ичида Банкка келиб БКни олмаса, БКни бекор қилиш ва КХ ни ёпиш ҳамда тўланган хизмат кўрсатиш ҳақини Мижозга қайтармаслик;

5.2.13. Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ БК фойдаланувчисини лозим даражада текшириш ва операцияга доир тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

5.2.14. БКдан фойдаланган ҳолда операциялар ёки КХ бўйича операциялар ўтказилишини исталган вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тўхтатиб турилиши (блокраниши) ёки бекор қилиниши мумкин:

- БК Фойдаланувчисининг ёзма мурожаати бўйича;
- Сақловчи томонидан Шартнома ёки 2886-Қоидалар (<https://lex.uz/docs/3212192>) шартлари бузилиши ҳолатида;
- КХ бўйича операциялар ўтказилиши тўхтатилган ҳолда;
- Мазкур шартноманинг 4.1.10 банди бажарилмаганида
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

5.2.15. Қуйидаги шартлар бўлганда КХ ва БК ёпилиши мумкин:

- Шартнома ёки Қоида шартлари бузилиши ҳолатида;
- КХ ёпилиши ҳолатида;
- бир йил давомида КХнинг узлуксиз фойдаланилмаслиги ёки КХ бўйича транзакция ўтказилмаслигида;
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

5.2.16. БК фойдаланувчиси тарафидан ушбу шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча ҳаражатларни БК фойдаланувчисидан ундириб олиш.

5.2.17. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида БК операциялари лимитини белгилаш.

5.2.18. БК фойдаланувчисининг КХда бир йил (365 кун) давомида ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаган тақдирда Банк КХ пул маблағларини ҳаракатсиз омонат ҳисобварағига ўтказиш.

6. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

Мижоз банк тарафидан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги банк тарифларида белгиланган миқдорларда хизмат ҳақи тўлайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 7.1. БК фойдаланувчиси куйидагилар учун жавобгардир:
- 7.1.1. Мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда, банкка етказилган зарарни тўлиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва тўлайди.
 - 7.1.2. БК фойдаланувчиси/Сақловчиси ПИН-кодини бошқа шахсга билдирган бўлса, ушбу карта орқали амалга оширилган барча операциялар учун БК фойдаланувчиси/Сақловчиси жавобгардир.
 - 7.1.3. КХҲга хато киритилган пул маблағларини қайтармаганлик учун – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади;
 - 7.1.4. БК фойдаланувчиси банкка тақдим этиладиган барча маълумотнинг ҳаққонийлиги учун тўлиқ жавобгар.
 - 7.1.5. БК фойдаланувчиси тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда, у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг БК Банкга ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгар бўлади.
- 7.2. Банк қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган БК бўйича тўловларни амалга ошириш муддатлари бузилган тақдирда, у муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаш.
- 7.3. КХ бўйича хато амалга оширилган операцияларда Банк жавобгарлиги хато амалга оширилган операцияни бекор қилиш билан чекланади.
- 7.4. Банк куйидаги ҳолларда БК фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлмайди:
- 7.4.1. БК фойдаланувчиси/Сақловчиси томонидан қонунчиликка зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда;
 - 7.4.2. гар БК йўқолиши ва/ёки ПИН-код ошкор этилиши БК фойдаланувчисининг эҳтиётсизлиги ёки БК билан эҳтиётсиз муомаласи туфайли ёки мазкур шартноманинг 3.32-бандида назарда тутилган ҳимоя чоралари бузилиши оқибатида юз берган бўлса;
 - 7.4.3. БКлари орқали ўтказилган транзакцияларга;
 - 7.4.4. БК Фойдаланувчиси/Сақловчи томонидан нотўғри маълумотлар бўйича учинчи шахсга мустақил равишда пул маблағини ўтказганда ёки фойдаланувчисининг/Сақловчининг розилиги билан пул маблағини ўтказиш натижасида учинчи шахснинг фирибгарлик ҳаракатларига;
 - 7.4.5. можаровий ҳолат юзага келиши оқибатида яъни назоратдан ташқари доирада бўлиши, ташқи тўлов тизимининг тўхтаб қолиши, ҳисоб-китоблар, қайта ишлаш ва маълумотларни узатиш билан боғлиқ бўлганда;
 - 7.4.6. учинчи томоннинг БКга хизмат кўрсатишдан воз кечиши;
 - 7.4.7. БК бўйича харид қилинган товарлар ва хизматларнинг сифати;
 - 7.4.8. учинчи томон тарафидан белгиланган, БК фойдаланувчисининг манфаатларига даҳл қилиши мумкин бўлган БК бўйича лимитлар, чеклашлар ва қўшимча ҳақлар;
 - 7.4.9. Банк йўқолган БКни (Асосий ёки Қўшимча) Стоп-Листга қўйиш ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмасликнинг оқибатлари;
 - 7.4.10. БК фойдаланувчиси/Сақловчиси томонидан CVN (CVV/CVC) кодларни учинчи шахсга берилганда;
 - 7.4.11. Банк БК йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд БКдан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган ҳар қандай молиявий зарарлар учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.
- 7.5. Банк куйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:
- 7.5.1. форс – мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш ҳолатларида;

7.5.2. банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

7.5.3. қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз КХ бўйича операциялар тўхтатилганда ёки бекор қилинганда.

7.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

7.7. БК фойдаланувчиси БКси йўқолганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида Банкни хабардор қилмаган тақдирда барча таваккалчиликлар БК фойдаланувчисининг зиммасида бўлади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

8.1. Мазкур шартнома 5 (Беш) йил муддатга тузилади. 5 (Беш) йилдан сўнг шартномани бекор қилиш бўйича тарафлардан ёзма мурожаат бўлмаса ёки шартнома шартлари бўйича тарафларнинг ёзма эътирози бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги календарь йилига узайтирилган ҳисобланади.

8.2. Шартнома бекор қилинган тақдирда, Банк КХ бўйича операцияни тўхтатади. КХ мавжуд пул маблағлари қолдиғи БК фойдаланувчисининг тегишли ёзма аризасига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади ёки картадан фойдаланиш муддати кейинги 5 (Беш) йилга узайтирилган тақдирда, ҳисобварақ бўйича операцияни тиклаб беради.

8.3. Банк ўзгартиришлар кучга киришидан ўн кун олдин БК фойдаланувчисини телефон рақамига хабарнома юборади ҳамда «www.hamkorbank.uz» банкнинг веб-сайтида эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини амалдаги қонунчилик доирасида ўзгартириш ва кўшимча киритиши мумкин.

8.4. БК фойдаланувчиси БКни банкка топширгач, исталган вақтда ушбу шартномани бекор қилишга ҳақли.

8.5. Банк мижозни 1 ой аввал ёзма, шу жумладан электрон ҳамда БК фойдаланувчисининг телефон рақамига хабарнома юборган ҳолда шартномани бекор қилиши мумкин.

8.6. Мазкур шартнома тарафлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади ва Мижоз томонидан Мазкур шартнома билан танишиб чиқиб, шартноманинг барча шартларини тўлиқ ҳажмда қабул қилиш тўғрисидаги аризани Банкнинг исталган филиалига тақдим қилиши билан тузилган ҳисобланади.

9. Махфийлик

9.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

9.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот фойдаланувчисининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

9.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

9.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

10. Форс – мажор ҳолатлар

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш

ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар тарафидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

10.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 (Уч) банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

10.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани ўзаро ҳисоб-китоб қилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

11. Низоларнинг ҳал этилиши

11.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

11.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

11.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали шунингдек БК фойдланувчиси томонидан тақдим қилинган телефон рақамига хабарнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

11.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

12. Банк реквизитлари.

Банк
To'liq nomi: Chet el kapitali ishtrokidagi "Hamkorbank" aksiyadorlik tijorat banki
Qisqartirilgan nom: "Hamkorbank" ATB
Manzili: Andijon sh., Bobur shoh ko'chasi, 85
ish vaqti: 09:00 – 17:00
Aloqa markazi: 0 800 1 200 200 1256 (Ўзбекистон бўйлаб пуллик)
Ishonch telefoni: (0371) 150-91-22
Veb sayt: www.hamkorbank.uz
Elektron pochta: contact@hamkorbank.uz
STIR: 200242936

